




XASR



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ИТТИМОИЙ-СИЙОСИЙ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.2lasr.uz

2011 йил 10 ноябрь, пайшанба
45-(417)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Конун лойиҳасига тадбиркорлик субъектининг ҳақлиги презумпцияси тўғрисидаги моддани ўз ичига олган янги норма киритилмоқда



2011 йил давомида фермер хўжалиқларига пахта ҳосилини етиштириш учун 22 млрд. сўм ва галла етиштириш учун 8,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди



11 ноябрь куни Вадим Абрамов мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини ўтказди

03

КОНЦЕПЦИЯ

05

ИҚТИСОДИЁТ

08

ФУТБОЛ

ВАЗИФА АНИҚ, ФАРМОН ИЖРОСИ СЎЗСИЗ ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎТГАН 20 йилида ЭРИШИЛГАН ЭНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИМИЗДАН БИРИ, ШУБХАСИЗ, МАМЛАКАТИМИЗДА МУЛҚДОРЛАР СИНФИНING ШАКЛЛАНГАНИДИР

Бугун юртимизда минглаб тадбиркор ва фермерлар фаолияти туфайли иқтисодиётимизда етакчи кучга айланган қатламнинг юзага келганини гўё оддий ҳолдек қабул қилаёلمиз. Айни пайтда мамлакат ялли ички маҳсулотининг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор томонидан таъминланаётгани ҳам ҳеч кимни ажаблантираётгани йўқ. Бу — истиқлолнинг дастлабки кезлариданоқ Юртбошимиз томонидан яратилган ва эндиликда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган иқтисодиётнинг «ўзбек модели» нақадар ҳаётий эканлигининг амалдаги инъикосидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш мақсадида 400 дан зиёд конун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Айни пайтда улар иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнларининг изчил давом эттирилишида ҳуқуқий кафолат вазифасини бажармоқда.

3 >>>

ТИЗИМНИ ФАҚАТ ҚОНУН БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШИ МУМКИН

2011 йилнинг 1 октябргача республикамиздаги 308 та табиий ва 822 та сунъий сув ҳавзасига эга бўлган 1130 та балиқчилик фермер хўжалигида 7 минг 524 тонна балиқ етиштирилди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Балиқчилик соҳасига оид қонунчиликни шакллантириш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбатидан ана шу рақамлар атрофида муҳокама қилинди. O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, балиқчилик соҳасига оид муносабатлар айни пайтда ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда. Модомики, балиқчилик хўжалиқлари мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашни давр талаб этмоқда. Бу эса соҳа ривожини учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қонунга эҳтиёж сезилаётганини англатади.

3 >>>



Инвестиция — иқтисодий ривожланиш гарови

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ 9 НОЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЙИГИЛИШИДА «ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЈЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА, ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЭСА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН НИХОЯТДА МУҲИМ ҲУҲЖАТ СИФАТИДА КОНЦЕПТУАЛ ЖИХАТДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур конун лойиҳаси Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ишнала кичилган бўлиб, у чет эл

инвестицияларини саноатнинг юқори технологик соҳаларига жалб этишни рағбатлантириш, юртимизда инвестицион муҳитни мўтадиллаштириш, сармоядорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилгандир.

Глобаллашув жараёнлари тобора кенг кўлам касб этаётган ҳозирги даврда ду-

ненинг турли давлатлари тараққиётнинг ўзига хос таъминоти билан таянмоқда. Ўзбекистонда эса бошқалардан фарқли ўлароқ, давлат ва жамият ривожининг принциплари жаҳатдан янги босқичда мамлакатни модернизация қилиш масаласига бирламчи эътибор қаратилмоқда.

2 >>>

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Москва шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учта кумуш ва тўққизта бронза медални қўлга киритди.

Қирққа яқин мамлакатдан 250 нафардан зиёд спортчи қатнашган бу нуфузли мусобақа универсал жангнинг рингда рақибга зарба қўллаш мумкин бўлган классик ва кураш усуллари ишлатиладиган энгил йўналишлари бўйича ўтказилди. Енгил универсал жанг йўналишида 95 килограмм вазнда рингга чиққан ҳамюртимиз Дилшод Сурхонов барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Феруз Саидовга эса бронза медалга насиб этди.

Классик йўналишида Қувват Жуманиёзов кумуш медални қўлга киритди. Универсал жанг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев эса бу сафар бронза медал билан кифояланди. Яна бир ҳамюртимиз Мухаммадали Тоштургунов ҳам шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ҳар иккала йўналишда ҳам ўз маҳоратини намойиш этган Аъзам Ҳайдаров биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритган бўлса, Нуриддин Долимов ва Жамол Омонов иккитадан бронза медал билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида иштирок этган Нодира Қазакова ҳар икки йўналишда совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртимиз классик йўналишда кумуш, енгил йўналиш бўйича бронза медал билан тақдирланди.

(ЎЗА)

Мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишларимиз биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли юксак мақсадга — ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

Ислом КАРИМОВ

Концепция тараққиётимиз кафолатига айланди

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТДА ҲАМ ЯНГИ ТАФАККУР ВА ДУНЁҚАРАШЛАР ЎЗГАРИШИ ЎЗ-ЎЗИДАН ВА ОСОН АМАЛГА ОШМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН ЭНГ АВВАЛО МУСТАҲКАМ АСОС ЯРАТИЛИШИ ШАРТ. АНА ШУНДАЙ ПОЙДЕВОР ВА ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИГА БЎЛГАН ИШОНЧГИНА ОДАМЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА ТАФАККУРИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИ

Шу маънода ҳам истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва қўлга киритилган натижалар юртдошларимиз дунёқараши ва тафаккурини ўзгартиришга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Гарчи, 20 йиллик янги тарихимизда миллий давлатчилик асосларини тиклаш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш осон кечмаган бўлса-да, бу борадаги

ютуқлар келажакка, ислохотлар жараёнининг орта қайтмаслигига мустаҳкам ишонч туйғусини шакллантирди. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» эса ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг янги босқичида мамлакатни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг кўламли ишларни янада изчил давом эттириш дастурига айланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда унга яқин йирик давлат дастурлари ижроси таъминланаётгани эса мо-

дернизациялаш жараёнларининг ниҳоятда мустаҳкам асосга эга эканини кўрсатаяпти.

Дунёнинг таниқли давлат арбоблари ва сиёсатшунос олимлар томонидан Ўзбекистон тараққиётининг кафолати сифатида эътироф этилаётган ана шу дастуриламал ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазибалар, қонунчилик таъминоти бўлиши билан бир йил мобайнида миллий парламентимиз фаолиятининг асосига айланганини таъкидлаш ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

2-3 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастури»га кўра ушбу соҳага 50 миллиард АҚШ доллари миқдорда сармоя киритиш режалаштирилган. Жами 519 та инвестицион лойиҳани қамраб олган мазкур дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилга бориб мамлакатимиз саноатининг камида 160 фоизга ўсиши, унинг ЯИМдаги улуши ҳозирги 23,1 фоиздан 28 фоизгача ортиши, тайёр маҳсулотлар ҳиссасининг эса 61,2 фоизгача етиши кутилмоқда.

02 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 8 НОЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари ▼ 1833,44
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2834,64
1 Дания кронаси ▼ 327,47
1 БАА дирҳами ▲ 481,70

1 АҚШ доллари ▲ 1769,22
1 Миср фунти ▲ 296,45
1 Исландия кронаси ▼ 15,43
1 Канада доллари ▼ 1739,30

1 Хитой юани ▲ 278,89
1 Малайзия ринггити ▼ 568,61
1 Польша злотийси ▼ 559,67
1 СДР ▼ 2792,22

1 Туркия лираси ▼ 1004,33
1 Швейцария франки ▼ 1980,54
1 ЕВРО ▼ 2453,05
1 Жанубий Корея вони ▼ 15,87

1 Япония йенаси ▲ 226,42
1 Россия рубли ▼ 57,36
1 Украина гривнаси ▲ 221,69

ПАРЛАМЕНТДА

web sayt: www.21asr.uz



Инвестиция — иқтисодий ривожланиш гарови

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Аммо бу жараён айрим мамлакатларда рўй бераётганидек балан-парвоз шорларга эмас, аксинча аниқ ҳисоб-китобларга асосланиб ишлаб чиқилган давлат дастурлари орқали амалга оширилаяпти. O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, бунинг учун энг аввало, мамлакатдаги инвестицион муҳити янада яхшилашга қаратилган қонунчилик

йилда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишининг кафолатига айланди. Лекин бугунги тўб ўзгаришлар, иқтисодийтни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилас юзасидан тезкор давр олдимизга қўйётган қатъий талаблар, жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ

Жами 519 та инвестицион лойиҳани қамраб олган мазкур дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилга бориб мамлакатимиз санотининг камида 160 фоизга ўсиши, унинг ЯИМ-даги улуши ҳозирги 23,1 фоиздан 28 фоизгача ортиши, тайёр маҳсулотлар ҳиссаси эса 61,2 фоизгача етиши кутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни тобора юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш, қўшимча қиймат улуши юқори бўлган рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш ушбу дастурнинг асосий жиҳатларидан биридир. Бу эса O'zLiDePнинг дастурий мақсадларига тўла мос келади.

«Чет эл инвестициялари» ва «реинвестиция» тушунчаларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқлик киритиш, хорижий сармоядорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида бу борада ҳам «ягона ойна» принципини жорий этиш, инвесторларга Ўзбекистон ҳудудида кириш ҳуқуқини берувчи виза муқддатларини имкон қадар узок муқддатга чўзиш масаласи ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Демак, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси ўз вақтида кўриб чиқилаётганини эътироф этиш жоиз. Аммо биринчи ўқишда муҳоама қилинган мазкур ҳужжат қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмаслигига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар бу борада аниқ тақриблар билдириб, мазкур қонун лойиҳасининг тартиб-ахлоқий эҳтиботи хамда мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда уни концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилишда, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Интеллектуал мулк тўғрисида»-ги қонун лойиҳалари хам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Концепция тараққиётимиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

ШУ ўРИНДА ПРЕЗИДЕНТ КОНЦЕПЦИЯСИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСКИЧНИ БОШЛАБ БЕРГАНИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН ХАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. ХУСУСАН, АНА ШУ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ АСОСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ Тўғрисида (78, 80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРИ)»-ГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ БИРИНЧИ ГАЛДА ПАРЛАМЕНТНИНГ НАЗОРАТ йўналишидаги ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КУЧАЙТИРДИ. ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРГА НИСБАТАН МАСЪУЛИЯТИНИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШ ТИЗИМИДАГИ РОЛИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ.

ТАН ОЛИШ КЕРАК, КОНСТИТУЦИЯМИЗГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР ТУФАЙЛИ ПАРЛАМЕНТГА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ Бўйича ҲУКУМАТ РАҲБАРИ ХИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШ ҲУҚУКИ БЕРИЛГАН ПАРЛАМЕНТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ўрни ва РОЛИНИ КЕСКИН ОШИРДИ. ШУ ТАРИҚА ИЖРО ЭТУВЧИ, ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ВА СУД ҲОКИМИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ИСЛОХ ҚИЛИШ, УЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ, МУСТАҚИЛ ИШ ЮРИТИШ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ДАВЛАТ ВА СИЁСИЙ ҚУРИЛИШ ТИЗИМИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ. ХИСОБ ПАЛАТАСИ РАИСИ НОМЗОДИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНИШИ БЕЛГИЛАНГАНИНИ ХАМ ПАРЛАМЕНТГА БЕРИЛГАН ЖУДА КАТТА ВАКОЛАТЛАР СИФАТИДА ТИЛГА ОЛИШ МУМКИН.

ШУ ўРИНДА КОНЦЕПЦИЯ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАМ КЕСКИН ЎЗГАРТИРГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. БУ ЭСА ХУДУДЛАРДА ХАМ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТ КУЧАЙГАНИНИ, ЭНГ МУХИМИ, БУ ЖАРАЁНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ КАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙГАНИНИ ТАҲЛИЛЧИЛАР АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР.



Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:

— Айни пайтда парламентнинг бирламчи эътибори Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратилганини таъкидлаш жоиз. Агар 2011 йилнинг тўққиз ойида эришилган натижаларни таҳлил қилсак, Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 33 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоизни ташкил этганидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бу хусусий сектор иқтисодийнинг том маънодаги таянчига айланганини кўрсатди.

Демак, биз парламентда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини оширишга қаратилган қонунчилик ташаббусларига эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Президент Концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини айнан шундай эътибор намунаси сифатида тилга олиш мумкин. Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва ортиқча маъмурий-бюрократик

тўсиқларни бартараф этишга қаратилган мазкур қонунда рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олиш, ҳужжатлар рўйхати билан боғлиқ талаблар, уларни бериш муқддатлари хам аниқ акс эттирилмоқда. ШУ боис лойиҳани тай-

мал бўлишини таъминлаш мақсадида қуйи палатада соҳа мутахассислари, халқаро экспертлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўзаро мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Хусусан қўмитамизнинг Халқаро молия корпорацияси билан

тадбиркорлик субъектларининг аризаси ва уни кўриб чиқиш муқддатлари билан боғлиқ. Ушбу муқддат рухсатнома талаб этилаётган тегишли фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ариза (сўровнома) берилган кундан бош-

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусидаги давра суҳбатида дунёнинг 10 га яқин давлатидан экспертлар қатнашиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласида ўз амалий тақлифларини ўртага ташладилар.

ёрлаш жараёнида рухсат бериш хусусиятига эга бўлган барча ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди. Муҳокамалар натижасида амалдаги 383 та ҳужжатнинг 112 таси замон талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳадан чиқариб ташланди. Янги тартибга кўра, энди рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатлар сони 271 тани ташкил этмоқда. Уларнинг соҳалар бўйича таснифланиб, алоҳида ажратилгани эса ўрта синф учун янада қулай шароит яратишига хизмат қилади.

Мазкур лойиҳаниннг ҳар томонлама пишиқ ва мукам-

ҳамкорликда ўтказган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусидаги давра суҳбатида дунёнинг 10 га яқин давлатидан экспертлар қатнашиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласида ўз амалий тақлифларини ўртага ташладилар. Бу эса қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро тажрибадан унумли фойдаланиш ва шу орқали уни янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Лойиҳаниннг асосий хусусиятларидан яна бири —

лаб 30 иш кунидан, аризани қайта кўриб чиқиш муқддати эса ўн иш кунидан ошмаслиги қатъий мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Энди тадбиркор фаолиятнинг маълум бир тури бўйича рухсатнома олиш учун ариза топширганидан кейин белгиланган муқддатда жавоб олмаसा, ўз ишини бошлаши мумкин бўлади. Бунда фақат ваколатли органга хабарнома юборишнинг ўзи kifоя. Ушбу қоида давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари аризаларни кўриб чиқилишининг чўзилиб кетишига барҳам беради, албатта.



Равил СОБИРЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Концепцияда кўзда тутилган, электратимиз учун ниҳоятда муҳим яна бир қонун — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қайта соддалаштириш ва ортиқча маъмурий-бюрократик

чалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасидир. Унинг асосий мақсади мулкдорлар синфи ривожланишини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кўпроқ эркинлик бериш ҳамда уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштиришдан иборат. Ушбу лойиҳада хусусий секторни кредитлар билан таъминлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқич-

ма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби меъёрлар акс эттирилмоқда.

Лойиҳада хусусий тадбиркорлик субъектлари қаторига оилавий корхона-ларнинг ҳам киритилиши назарда тутилмоқда. Чунки айни кунда тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнеснинг мавқеи тобора ошиб бораёпти. Ана шундан келиб чиқиб лойиҳада бу турдаги корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси

КОНЦЕПЦИЯДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БИЗНЕСНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ СИФАТИДА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ҚОНУНИЙ БЕЛГИЛАБ ҚўЙИШ ВАҚТИ КЕЛГАНИ ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ

Агар унинг қонунчилик базаси яратилса, табиийки, иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилади. Мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг аксарият мамлакатларида оилавий тадбиркорлик иқтисодий ўсишининг 70 фоизини ташкил этиб, янги иш ўринлари яратишининг асосий

омили саналади. Жумладан, Франциянинг L'Oreal, Италиянинг Fiat, Жанубий Кореянинг Samsung, Hyundai, LG, Германиянинг BMW, Siemens, АКШнинг Ford Motors компаниялари асосида ҳам оилавий тадбиркорлик мужассамдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш ташаббуси ҳам юртимизда минг йиллардан буюн амал

қилиб келаётган оилавий бизнес аънаваларини ривожлантиришдан иборат. ШУ боисдан Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади иқтисодийнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали ўсиш суръатларини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

Оилавий тадбиркорлик аслида эр-хотиннинг биргаликдаги мулк бўлган ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган тадбиркорлик фаолиятidir. Бироқ айни пайтда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, уни оилавий кор-

хона, яъни юридик шахс мақомига келтириш зарурати сезилмоқда. Ана шу хусусияти билан ҳам бундай корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари сирасига киритилмоқда. Бу эса қонунчилик мувофиқ уларнинг кичик корхона ва микрофирмаларга берилган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини беради, дегандир.

Қонун лойиҳасига асосан оилавий корхона, оила аъзолари томонидан шахсий меҳнат иштироки ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулк улуш рўйхати кўрсатилган ҳолда тузиладиган таъсис шартномаси асосида ташкил этилиши белгиланмоқда. Бунда иштирокчилар хоҳишига кўра, таъсис шарт-

баъзасини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Фракция аъзолари хорижий сармояларнинг иқтисодий тараққиётга таъсири ва аҳамияти хусусида сўз борганда ривожланган мамлакатларда ҳам йирик инвестицион дастурлардан унумли фойдаланилганини таъкидладилар. Хусусан, АКШ, Япония ва Жанубий Кореянинг бугунги юксак тараққиётга эришишида хорижий сармояларнинг роли беқийс бўлганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Албатта, тараққиётга интилган ҳар қандай мамлакат, биринчи галда, ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда ривожланиш йўлларини танлайди. Лекин фақат ички ресурслар билангина катта режаларни амалга ошириш кийин кечилиш ҳеч кимга сир эмас. Қўтилган марраларга эришиш учун эса хорижий сармояларнинг ўрни беқийсдир. Буни Асакада автомобиль, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи сингари улкан лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунларда эса сармоядор сиёсий-иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётган, инвесторларга қулай бизнес муҳити яратилган ҳудудларгагина маблағ киритади. Йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз давомида бунга кўп марта гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит аввал бошданок чет эллик инвесторлар эътиборини тортаятганининг боиси ҳам шунда. Айниқса, 1998

инвестиция жалб этиш масаласини кун тартибига киритмоқдаки, бу мазкур қонун нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

O'zLiDeP фракцияси йиғилишида алоҳида таъкидланганидек, мамлакатга қанча кўп сармоя кириб келса, тадбиркорлик шунчалик тез ривожланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улушининг ортиб боришида халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарҳларидан биридир. Сармоя микдорининг кўпайиши эса бевосита сармоядорга яратиб берилаётган шароитларга боғлиқ, албатта. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасига ана шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, иқтисодийнинг устувор йўналишларини модернизация қилиш, истиқболли соҳаларга илғор технологияларни жорий этиш мақсадида қабул қилинаётган давлат дастурларининг муваффақиятли ижро этилишида ҳам чет эл инвестицияларининг ўзига хос ўрни бор. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастури»га кўра ушбу соҳага 50 миллиард доллар миқдорда сармоя киритиш режалаштирилган.

кафолатига айланди



Кахрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— О'зЛиДеРнинг Сайловолди дастурида кўрсатилганидек, тадбиркор фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам қатъий таъминлаши керак. Шу боис «Тадбиркорлик фаолияти эркин-

лигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини

лар уюштириб, қонун лойиҳаси юзасидан тадбиркор ва фермерларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш амали-

Қонун лойиҳасига шунингдек, тадбиркорлик субъектининг ҳақлиги презумпцияси тўғрисидаги моддани ўз ичи-

ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин қилинадиган бўлди. Бу эса хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатлари тўла таъминлишига хизмат қилади. Бундан ташқари лойиҳага тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш кафолатларига оид янги модда ҳам киритилапти. Унга кўра тадбиркорларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби, шунингдек тадбиркорлар мурожаатларининг турига қараб давлат органлари томонидан кўриб чиқишининг аниқ муддатлари белгиланмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини чўзиш, шунингдек, уларни асоссиз рад этиш ҳолатларининг олдини олади.

Қонун лойиҳасига шунингдек, тадбиркорлик субъектининг ҳақлиги презумпцияси тўғрисидаги моддани ўз ичига олган янги норма ҳам киритилаётганини таъкидлаш жоиз. Ана шу меъёрга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан вужудга келадиган қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин қилинадиган бўлди.

тайёрлашда мутахассис ва экспертларнинг, жойлардаги тадбиркорлик субъектларининг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўрилмоқда. Бунда партияимизнинг ҳудудлардаги вакиллари фракция аъзолари билан ҳамкорликда жойларда турли тадбир-

ётини йўлга қўйдилар. Натижада тадбиркорлар томонидан лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича қўлаб тақийлар келиб тушмоқда. Деputатларимиз улардан лойиҳани мукамаллаштиришда унумли фойдаланаяптилар ҳам.

га олган янги норма ҳам киритилаётганини таъкидлаш жоиз. Ана шу меъёрга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан вужудга келадиган қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар



Тизимни фақат қонун билан такомиллаштириш мумкин

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шунинг учун ҳам мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа мутасаддилари мустақилликнинг дастлабки йилида мамлакатимизда бор-йўғи минг тонна балиқ етиштирилганини, 2000 йилга келиб эса бу кўрсаткич 8 минг 700 тоннага етганини тилга олмоқдалар. Аммо оралиқда бу кўрсаткич қарийб тенг ярмига камайиб кетган.

Ана шу пайтда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2009-2011 йилларда балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури»нинг қабул қилиниши тармоқ истиқболда туб бурилиш ясади. 2010 йилда жами 10 минг 700 тонна балиқ етиштирилгани эса дастурда белгиланган вазифаларнинг ҳудудларида ўз вақтида ижро этилганини кўрсатмоқда.

Айни пайтда мутахассислар республикамизда 308 та табиий, 822 та сунъий сув ҳавзасига эга 1130 та балиқчилик фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётганини таъкидламоқдалар. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига улар 7 минг 524 тонна балиқ етиштирган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткичнинг 15 минг тоннага етиши кутилмоқда. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун 19,2 миллион дондан зиёд чавоқ қишлоқ ҳавзаларига ўтказилди.

Шу ўринда балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ва табиий қўللари ижарага олган корхоналарни замонавий технологиялар билан таъминлаш, уларга ўз вақтида омухташ ҳамда минерал ўғитлар етказиб бериш мақсадида тижорат банклари томонидан 4 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Юқорида тилга олинган дастурга мувофиқ, соҳани модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 171 та янги балиқчилик хўжалиги ташкил этилгани ҳам соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Мутахассислар айни пайтда янги хўжаликларга Самарқанд стеклопластика заводида ишлаб чиқарилган 62 та замонавий бассейн етказиб берилганини, бу билан интенсив усулда балиқ етиштирувчи бассейнлар сони 663 тага етказилганини таъкидламоқдалар.

Давра суҳбатиде балиқ маҳсулотлари чқитидан балиқ уни ва гидролизланган концентрат ишлаб чиқарадиган янги технологик линияларни йўлга қўйиш долзарб экани алоҳида эътироф этилди.

— Инкубация цехларининг талаб даражасида жиҳозланмагани ёки тўла қувват билан ишламаётгани оқибатида фермер хўжаликлари балиқ личинкалари билан таъминлаш ишлари 60-70 фоизгагина бажарилмоқда, — дейди Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази директори Раҳматулло Қурбонов. — Кутилган натижага эришиш учун эса соҳага интенсив технологияларни кўпроқ жорий этиш, балиқчилик хўжаликларига сувни кам сарфлайдиган, айланма сув таъминоти орқали ишлайдиган қурилмаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Голландия ва Хитой тажрибасини ўрганиш яхши самара бериши мумкин.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, ушбу тармоқни жадал ривожлантириш, мавjud ресурслардан оқилона фойдаланиш, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилиш ва балиқчиликнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш бўйича яратилган имкониятлардан соҳа мутасаддилари тўла фойдаланмаяптилар.

— Балиқчилик ҳавзалари қуриш учун қўлай жойлардан ер майдонлари ажратиш, балиқ маҳсулотларини сақлаш, ташин, қайта ишлаш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, табиий қўлларда балиқ овлашни қатъий тартибга солиш, айниқса, таъқиқланган овчилик анжомларидан фойдаланишга йўл қўймаслик ҳам долзарб масалалардандир, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Бундан ташқари, балиқларни турли касалликлардан муҳофазалаш мақсадида четдан чавоқ олиб келишда ветеринарлар масъулиятини ошириш, ҳатто ихчам аквариумлардаги декоратив балиқчалар ҳам «касаллик ташувчиси» бўлиши мумкинлигини унутмаслик даркор.

Тадбир якунида соҳага оид қонунчилик нормаларини шакллантириш юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.



Насим АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Концепцияда кўзда тутилган «Рақобат тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси монополистик фаолиятни қатъий чеклашга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қонун лойиҳаси нафақат товарлар бозориде, балки молия бозориде монопол фаолиятни тартибга солишни назарда тутиши, биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акция сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини такомиллаштириш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилгани билан ҳам муҳимдир. Унга нафақат рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, балки уни ҳимоя қилиш нормалари ҳам киритилмоқда. Рақобатни шакллантириш ва рақобат муҳитининг қонун билан ҳимоя қилиниши эса, ўз навбатида, иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркор ва ишбилармонлар имкониятини янада кенгайтиришда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Рақамларга мурожаат қилсак, биргина жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдоларида қиймати 2111 миллиард сўмлик шартномалар тузилгани, бу биржа айланмаси умумий ҳажмининг 56 фоизини ташкил этаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига объектларини сотиш ва ижарага бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида умумий

қиймати 80,3 миллиард сўм ва 67,9 миллион долларга тенг 76 та давлат активи сотилди, давлат мулкнинг 13 минг 820 та бўш ётган объектлари ижарага берилди. Буларнинг барчаси монопол фаолиятни чеклаш, мулкни мулкдорларга бериш асосида рақобатни янада ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар натижасидир. Фракциямиз аъзолари «Рақобат тўғрисида»ги қонун

лоийҳасига ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқдалар. Зеро, партияимизнинг Сайловолди дастурида рақобат қилувчи бозорлар асосини кўп укладли иқтисодиёт ташкил этиши, бунда хусусий мулк етакчи роль ўйнаши лозимлиги илгари сурилган. Шу боисдан қонун лойиҳасида «устун мавқе» тушунчасига алоҳида урғу берилаяпти. Маълумки, амалдаги 65

ва ундан ортиқ фоизни ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъект (бир гуруҳ шахслар) устун мавқеда эътироф этилиши кўрсатилган. Янги қонун лойиҳасида эса 65 фоизлик чегарани «эллик фоиз ва ундан ортиқ улушга эга бўлганда» дея ўзгартириш киритиш таклифи билдирилмоқда. Зеро, тадбиркорлик ривожлангани сари бозор субъектлари сони ҳам ортиб бораверади. Бу жараёнда экин-

спорт ҳажми ҳам кенгайди ва бозорлардаги маҳсулот ҳажмига таъсир қилади. Бундай шарт-шароитлар эса илгари товар бозориде 65 фоиз микдориде улушга эга хўжалик юритувчи субъектлар улушининг пасайишига олиб келарди. Натижада товар бозориде 50 фоиз микдориде улушга эга субъектларнинг мавжудлиги бошқа субъектларга бозор шартларини мажбурлаш имконини беради.



Кобилжон ТОШМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— О'зЛиДеР электорати учун ниҳоятда муҳим бўлган қонун ҳужжатлари яна бири бу — «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонундир. Кредит ахбороти алмашинуви тизимидаги ҳуқуқий

муносабатларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мазкур қонун томонлар учун тенг шароитлар яратишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда қайд этиш жоизки, жорий йилнинг ўтган 9 ойиде тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмдан, шу жумладан микрокредитлар ҳажми 613,3 миллиард сўмдан ошди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 бараварга кўпайди. Хусусан, олис ва

ортиқча меҳнат талаб қиладиган ҳудудлардаги тадбиркорларга 20,9 миллиард сўм микдориде имтиёзли кредитлар берилди.

Бугунги кунда кредит ахбороти алмашинуви тизимида асосан банклар иштироки — таъминланганини эътиборга олсак, молия соҳасидаги бошқа субъектлар, жумладан, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг ва суғурта компанияларининг кредит ахбороти алмашинувидаги имконияти анчайин чегараланганини кўраемиз. Янги қонун эса бу борадаги мувозанатни тиклаши баробарида кредит бозориде рақобатнинг ошиши туфайли фоиз ставкаларини камайитиришга ҳам

жиддий таъсир этишга қаратилган.

Мазкур тизимнинг тадбиркорлар учун самарадорлиги шундаки, бу улар фаолиятини молиялаштириш имкониятини бир неча баробарга оширади. Қўйилган шартларни ўз вақтида бажарган мижозга қисқа муддатда кредит олиш учун шартит яратиш эса ўрта синф вакиллари фаолиятини янада мустаҳкамлашнинг асосий омилларидандир. Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк тавakkалчиликларини ҳам камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизомини мустаҳкамлайди.



Нуриддин МУРОТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Юртбошимиз Концепциясида сиёсий модернизация жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларида давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида «Телекоммуника-

циялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланган эди. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси айнан ана шу талаблар асосида ишлаб чиқилди. Лойиҳа давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишда муҳим аҳамият касб

этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда қонун лойиҳаси аҳолига телекоммуникация тармоқлари асосида тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш эркинлигини оширишда ҳам қатор қўлайликлар яратишни назарда тутди.

Жорий йилда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўрсатилган хизматлар ҳажмини 12,9 фоизга ошириш имконини берди. Хусус-

сан, мобиль алоқа, интернет-алоқадан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши, шунингдек, АТСларни рақамлаштириш даражасининг ошиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 41,6 фоизга ўсди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса юртимизда телекоммуникация соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг тараққиёт этган давлатлар сафидан жой олишини тезлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда белгилаб берилган қонун лойиҳаларининг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши иқтисодиётни либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этиш баробарида мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашга хизмат қилади.

номасида оилавий корхонанинг фойдасини тақсимлаш шартлари белгиланиши мумкин. Ҳужжатда оилавий корхона ташкил этиш учун бизнес субъекти иштирокчилари корхона устав фондини мустақил белгилаши, лекин бу микдор энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаслиги назарда тутилмоқда. Бу унинг бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлаб кетиши ва рақобат муҳитига бардош бера олишига ёрдам беради.

Кичик тадбиркорлик субъектига тенглаштирилган лойиҳага кўра оилавий корхона ишчилари сони 2 кишидан 150 кишигача бўлиши мумкин. Бундай корхонанинг МЧЖ, ОАЖ, АЖ, ХШ каби бошқа тадбиркорлик субъектларидан фа-

рқи шундаки, у тавakkалчилик асосида, ўз мулкни жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятига асосланади. Бундан ташқари, МЧЖ, ОАЖлардан фарқли равишда оилавий корхона фойдаси солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўн унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва солиққа тортилмайди.

Қонун лойиҳасида шунингдек, оилавий корхоналар учун бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, лойиҳада айрим фаолият турлари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, оилавий корхона томонидан хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилаётган турар жойлар нотурар жойларга ўтказили-

ши талаб этилмайди. Турар жойдан бир вақтнинг ўзиде истиқомат қилган ҳолда то-варлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш учун фойдаланаётган оилавий корхона ком-мунал инфратузилма (электр, газ, сув ва канализация) хизматларини аҳоли учун ўрнатилган тарифларда ва шартларда тўлайди.

Эътиборли томони шундаки, лойиҳада халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий қисмати буюмлари ишлаб чиқарувчи оилавий корхоналар ягона солиқ тўловидан озод қилинган. Бу амалда бир неча минг йиллик аъён-налар асосида фаолият юр-тиб келаётган уста ва хунар-мадларнинг янада эркин фа-олият юритишини таъмин-лайди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида оилавий корхонадан солиқ ва бошқа тўловларни олиш тартиби ҳам белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлов-часи ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кенгайтиришга ҳам туртки беради. Чунки лойиҳага асосан, оилавий корхона камида икки киши-нинг иштирокида тузилиши, фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун татбиқ этиладиган қоидаларга мос келиши на-зарда тутилмоқда. Қонун лой-иҳасининг яна бир эътибор-

ли жиҳати унда оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилаётганидир. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ари-за берувчига оилавий корхона сифатида давлат рўйхати-дан ўтказишни «уни ташкил этиш мақсадга мувофиқмас» деган ваҳ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида на-зарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Айни пайтда оилавий бизнес вакиллари ишлаб чи-қарилаётган буюмлар ёки товарларга мустақил равиш-да нарх белгилаши ҳамда қонун ҳужжатларида белги-ланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

web sayt: www.21asr.uz

Вазифа аниқ, фармон ижроси сўзсиз таъминланиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ана шундай бир паллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармон қабул қилгани эса соҳани янада ривожлантириш бугунги кунда ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга молик вазифа эканлигини аниқлашмоқда.

Фармонда алоҳида таъкидланганидек, сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибидан кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фо-

зилмоқда. Айни кунларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини партия электорати вакиллари иштирокида чуқур ўрганиш, жойларда унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш



Кўз кўрқоқ кўл ботир

КОРАКАЛПОГИСТОНЛИК ЁШ ТАДБИРКОРЛАР О'ZLiDeP КўМАГИДА АНА ШУ АҚИДАНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИНИ АМАЛДА ИСБОТЛАМОҚДА

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда Оролбўйидаги партия аъзолари сони 10 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 5861 нафарини навқирон ёшлар ташкил этмоқда. О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» томонидан янги авлод вакиллари ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган бир қатор тадбирлари, жумладан «Диплом билан — бизнесга» ва «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳалари ҳам Қорақалпоғистонда реал натижалар бераётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. 2011 йилда касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг 22 фоизи ўз мутахассислигига ва кўра ишга жойлашгани, 19 нафар ёш тадбиркорга 48 млн. сўмдан ортиқ кредит берилганида ҳам О'zLiDeP фаолларининг ўзига хос хиссаси бор. Айни пайтда яна 168 нафар ташаббускор ва ғайратли ёшларнинг бизнес-режалари кредит олишга тайёр экани, 435 та лойиҳа эса такомиллашув босқичида тургани ҳам ёшлар билан О'zLiDeP ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўлга қўйилгани самарасидир.

Очилишни айтиш керак. Айримлар ёшларнинг тадбиркорликка қўл ураётганлари кичикроқ дўкон ёки цех очиб, дея қабул қилмоқдалар. Аммо Қорақалпоғистонда шундай партия аъзолари борки, улар ёш бўлишларига қарамай, йирик лойиҳаларга иккиланмай қўл ураётганлар.

— Халқимизда «кўз кўрқоқ, кўл ботир» деган ҳикमत бор, — дейди тахтақўпирлик тадбиркор, «Мамир-хазинаси» масъулияти чекланган жамияти раиси Курмангази Бекбергенов. — Бундан олти йил аввал, автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчасини очмоқчи бўлганимда «бунга ҳали ёшлик қиласан» дейишганди. Аммо О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаолларининг кўмаги билан ниятим рўёбга қикди. Тегишли ҳужжат ва бизнес-режани расмийлаштириш ва банкдан имтиёзли кредит олишда партия ёрдами катта бўлди. Натижада нафақат бензин, балки газ қўйиш шохобчасини ҳам очиб, туну кун элга қизмат қилишни йўлга қўйдик. Бугунга келиб, тадбиркор сифатида мустақкам оёққа туриб олдим, дея бемалол айта оламан.

Тўғри, баъзилар учун партиянинг ёшларга кўрсатаётган бундай ёрдами оддий бир ҳолдек кўринар. Аммо айрим мамлакатларда арзиман ҳуқуқий ёрдам, бизнесни бошлаш ва юритиш масаласида профессионал маслаҳат ва маълумотлар каттагина маблағ талаб этишини инобатга олсак, О'zLiDePнинг йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш

йўлидаги бундай сайё-ҳаракатлари ёшлар учун қимматли эканини аниқлаш қийин бўлмайди.

— Шундай юртда яшаётганимдан гурурланаман, — дейди нуқуллик ёш тадбиркор Жаниш Хожанов. — 2009 йилда «Жаниш-Нукус» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилганим. Мана, бугун Нукус шаҳрининг энг гавжум худудида хўрадаларга сифатли хизмат кўрсатаёلمиз. Тан олиш керак, баъзи тенгдошларим иш топиш ёки маоши камлиги масаласида нолиб қоладилар. Мен уларга «ишбилармон бўл, ҳам кўнглингиздагидек иш билан шугуллансан, ҳам бошқаларни ишчи қиласан», дейман. Чунки ўзимдан қийс. Агар ёнингда тўғри маслаҳат ва ёрдам кўрсатувчилар бўлса, қўнғунга мувофиқ иш кўрсанг, ҳеч қандай тўсиқларсиз келажагинг учун пойдевор қўйганингиз ҳам билмай қоларкансан.

— Тўғри, фаолиятимиз бемар кетмаяпти, — дейди О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Муҳаббат Ақназарова. — Лекин, ислохотларнинг бугунги босқичи талаблари даражасида ишлаймиш, десак ҳато бўлади. Айниқсан, партия Дастурида белгиланган вазифаларни тўла уддалаямиш, дейишга ҳали эрта. Айтилик, ўзгарувчан бозор конъюктурасига мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тўдан яхшилаш кераклиги Дастурида аниқ кўрсатилган бўлса-да ёшларнинг касб эгаллаши ёки бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда ўз мутахассисликларини ўзгартириб, янги касб кўникмаларини шакллантиришлари бўйича ҳали етарли чоралар кўролмаёلمиз...

Чиндан ҳам Муҳаббатнинг фикрларига қўшилмаслик қийин. Гарчи Қорақалпоғистонлик партиядошларимизнинг бугунги ишлари денгиздан томчи бўлса-да бироқ ана шу томчида кўёш акс этаётганини таъмин расмийлаштириш ва банкдан имтиёзли кредит олишда партия ёрдами катта бўлди. Натижада нафақат бензин, балки газ қўйиш шохобчасини ҳам очиб, туну кун элга қизмат қилишни йўлга қўйдик. Бугунга келиб, тадбиркор сифатида мустақкам оёққа туриб олдим, дея бемалол айта оламан.

Фармонда алоҳида таъкидланганидек, сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибидан кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди.

изга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли дарамадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолияти хиссасига тўғри келаяпти. Бу жуда катта кўрсаткич, албатта.

Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда аҳоли даромадларини ошириш, янги-янги корхоналар ташкил этиш орқали иш ўринлари яратиш яна биринчи даражали вазифага айланган. Бунда бозор талабларига тез мослашувчан хусусий секторнинг ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаш шарт эмас. Бироқ ўта муҳим давлат аҳамиятига молик соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган бюрократик кўри-нишлар, мавжуд қонун-қоидаларга тўлиқ риоя этмаслик оқибатида бизнес субъектлари ўз имкониятларидан етарлича фойдалана олмаётганидан ҳам кўз юм-маслигимиз, давлатимиз раҳбарининг бир йил муқаддам парламент палаталари қўшимча мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида «Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлаш оладин қўнунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда», дея алоҳида таъкидланган вазифа ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги лозим.

Концепцияда белгиланган ушбу масала О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг ҳам доимий диққат-эътиборида. Ўтган бир йил мобайнида жамиятимиз яқин келажагини ўзида ифода этган дастурдан келиб чиқиб, алоҳида режа асосида кўллаб тадбирлар ўтқа-

мақсадида давра суҳбатлари, амалий учрашув ва юзма-юз мулоқотлар ташкил этилаёпти.

Ана шундай тадбирларнинг дастлабкиси мамлакатимизнинг аҳоли энг зич истиқомат қилувчи Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлиб ўтди.

Андижонда Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатидан асосий эътибор тадбиркорларнинг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига қаратилди.

— Мамлакатимизда ўрта қатлам вакиллари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтириш учун етарлича шарт-шароит яратилган, — деди мазкур тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадусулф Тешабоев. — Агар 1991 йилда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 52,5 фоизга өтди. Жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес субъектлари томонидан 954,3 млн. АҚШ доллари қий-матда маҳсулот экспорт қилиниб, амалга оширилган дастурларга мувофиқ 520 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Булар, шубҳасиз, ўрта синфнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги натижасидир.

Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Ақтам Сайфуллаевнинг фикрича, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ишончли ҳамкори сифатида уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун бўр имкониятларини ишга солмоқда. Буни

соҳани янада ривожлантириш учун кредит ресурсларини жорий йилда камидан 1,3 барбара ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросида ҳам кўриш мумкин.

— Биргина Андижон вилоятида 2011 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 51,7 млрд. сўмга ортиб, 203,7 млрд. сўмни ташкил этди, — деди А.Сайфуллаев. — Эътиборлиси, ушбу маблағларнинг 134,6 млрд. сўми ёки 66,1 фоизи узок муддатли кредитлардир.

Давра суҳбатидан шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, оилавий бизнесни ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларига эътиборини кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Вилоят солиқ бошқармаси масъул ходими Г.Муслимова тадбиркорлар учун яратилган солиқ имтиёзлари, текширувларнинг қисқартирилиши, солиқлар миқдори камайтирилишининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида муҳим ўрин тутиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Божхона бошқармаси масъул ходими К.Қурбонов эса кейинги йилларда хорижий давлатлардан янги технологиялар олиб келиш бўйича кенг имкониятлар яратишга олишга Андижон, Фарғона, Нукус шаҳарларида ўтказилган тадбирлар ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий тақдирлар ана шундай ҳулосага асос бўла олади.

— Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишда О'zLiDePнинг роли» мавзусидаги давра суҳбатидан маҳаллий кенгаши депутатлари, Савдо-саноат палатаси вилоят ахборот маслаҳат маркази, вилоят фермер хўжалиқлари хизмат кўрсатиш маркази, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, партия фаоллари — тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этдилар.

«Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган тадбирда шунингдек, тадбиркорлик ва фермерлик билан шугулланаётган хотин-қизларнинг сиёсий билимларини ошириш ва уларга амалий қўмақ бериш, чекка қишлоқларда кенг аҳоли қатламлари, хусусан хотин-қизлар ҳаётида мавжуд бўлган муаммоларни изчил таҳлил этиш ҳамда амалий-ўқувчи ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

«Давра суҳбати» давомида «Фермерлик соҳасини ривожлантириш — фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчидир», «Фермерлик фаолиятини ривожлантириш имкониятлари» ва «Хотин-қизлар ўртасида фермерлик фаолиятини ривожлантиришда «Аёллар қаноти»нинг роли» каби мавзуларда маърузалар ҳам тингланди.

Тадбир сўнггида голиб деб то-

пилган энг яхши бизнес лойиҳа эгаларига махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

САМАРҚАНД. «Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишда О'zLiDePнинг роли» мавзусидаги давра суҳбатидан маҳаллий кенгаши депутатлари, Савдо-саноат палатаси вилоят ахборот маслаҳат маркази, вилоят фермер хўжалиқлари хизмат кўрсатиш маркази, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, партия фаоллари — тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этдилар.

«Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган тадбирда шунингдек, тадбиркорлик ва фермерлик билан шугулланаётган хотин-қизларнинг сиёсий билимларини ошириш ва уларга амалий қўмақ бериш, чекка қишлоқларда кенг аҳоли қатламлари, хусусан хотин-қизлар ҳаётида мавжуд бўлган муаммоларни изчил таҳлил этиш ҳамда амалий-ўқувчи ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

«Давра суҳбати» давомида «Фермерлик соҳасини ривожлантириш — фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчидир», «Фермерлик фаолиятини ривожлантириш имкониятлари» ва «Хотин-қизлар ўртасида фермерлик фаолиятини ривожлантиришда «Аёллар қаноти»нинг роли» каби мавзуларда маърузалар ҳам тингланди.



ЖИЗЗАХ. О'zLiDeP вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан Жиззах Давлат Педагогика институтида ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга оид бизнес-тренинглар дастури тақдироти ўтказилди. Унда тадбиркорлик ва бизнес соҳасига қизиқувчи талаба-ёшлар, партия фаоллари, бир гуруҳ тадбиркорлар иштирок этдилар.

Тадбирда ёшлар орасида ишбилармонлик ва қулай бизнес муҳитини шакллантириш, янги авлод вакиллари соҳага кенг жалб этиш орқали бандлик масаласини ҳал этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, иштирокчиларга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида солиқ ва солиққа тортишда яратилаётган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилиб, бизнес фаолиятини юритишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бизнес режалар тузиш, янги бизнес формаларни яратиш, соҳада ютуқларга эришишни танқидий ва таҳлилий методлари ҳақида тушунчалар берилди.

Тадбир сўнггида голиб деб то-

Хўшамал тадбиркор ва ишбилармонлик!

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотариот ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли нуқсонли аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчинингиздир.

«Фароғат»да бирор муаммо исига келса, сизга иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улughбек тумани, Қорасро В. дараеси 19-й. й.
Тел: 0 (62) 265-00-40; 265-73-17. e-mail: depnat.uz@rambler.ru

реклама

Мижоз манфаати бирламчи

«САВДОГАРБАНК» АНА ШУ ШИОРГА АМАЛ КИЛИБ, ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Истиқлол йилларида мамлакатимиз молия бозорига амалга оширилаётган туб ислохотлар бошқа соҳаларда бўлгани каби банк муассасалари фаолиятини ҳам бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйиш учун пухта замин яратди. Буни Ўзбекистон-Германия «Савдогарбанк» очик акциядорлик-тижорат банки мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мазкур банкнинг асосий миқозларидир. Бундан ташқари оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, ипотека ва микрокредитлар ажратишга ҳам йил сайин катта эътибор қаратилапти. Масалан, 2010 йил 1 октябрь ҳолатига банк томонидан 122 мингдан зиёд миқозга хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу миқдор 126 мингдан ортиқни ташкил этди.

Дарҳақиқат, банк жамоаси томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда самарали хизмат кўрсатаёпти. Буни 2011 йил 9 ойи давомида 57,8 млрд.сўм миқдорда кредитлар ажратилгани ҳам кўрсатиб турибди. Энг муҳими, мазкур маблағлар ҳисобига 1924 та янги иш ўрни яратилди ва бир нечта корхонанинг молиявий аҳоли яхшиланиб, ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди.

Маълумки, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада кўтариш, улар ўртасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу муҳим масала «Савдогарбанк» бошқарувининг ҳам диққат марказида. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида биноан 2011 йилнинг 9 ойида аёл тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш учун 8,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармонида мувофиқ эса ёш оилаларга 3,3 млрд. сўм кредит берилди. Шундан 1,6 млрд. сўми ипотека, 141 млн.сўми истеъмол ва 1,6 млрд. сўми микрокредитлардир. Натижада кўплаб ёшлар уйли-жойли бўлишлари учун турли рўзгор буюмлари харид қилиб, оилаларида замонавий шарт-шароит яратдилар.

Фақат шугина эмас, «Савдогарбанк» томонидан рақобатбардош, сифатли ноозик-овқат ва озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, маъжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳам биринчи даражали аҳамият қаратилаёпти. Шу мақсадда 2011 йил 9 ойи давомида 25,6 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, ушбу маблағларнинг 3,7 млрд сўми технологик ускуналар, 21,1 млрд. сўми эса хом ашё материаллари сотиб олиш учун йўналтирилди. Уй-жой сотиб олиш учун



ажратилган ипотека кредитлари миқдори 2,1 млрд. сўмни ташкил этди.

«Савдогарбанк» мамлакатимиздаги бошқа тижорат банклари қаторида инвестицион лойиҳаларни молиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу йўналишга жорий йилнинг 9 ойида 30,9 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари, 2011 йил давомида фермер хўжалиқларига пахта ҳосилини етиштириш учун 22 млрд. сўм ва галла етиштириш учун 8,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, соҳа ривожига сезиларли даражада молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аса банкнинг Навоий вилоят филиали томонидан Қизилтепа туманидаги «Ғойибон Саховати» маъсулият чекланган жамиятига 3 йил муддатга иссиқхона курилиши учун 250 млн. сўм миқдорда кредит берилди ҳамда йилига 80 тонна миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига қўшимча таъминоти яратилди. Ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланувчи корхоналарни молиявий

қўллаб-қувватлашга ҳам филиал жамоаси алоҳида аҳамият қаратаёпти. Масалан, Навбахор туманида фаолият юритаётган «Навбахор қурилиш маҳсулот» хусусий корхонасига 3 йил муддатга пишган гишт ишлаб чиқариш ускунаси ва хом ашё сотиб олиш учун йўналтирилган 120 млн.сўм миқдордаги кредит тўғрисида қўшимча маълумотлар берилди. Бундан ташқари, 2011 йил давомида фермер хўжалиқларига пахта ҳосилини етиштириш учун 22 млрд. сўм ва галла етиштириш учун 8,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, соҳа ривожига сезиларли даражада молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аса банкнинг Навоий вилоят филиали томонидан Қизилтепа туманидаги «Ғойибон Саховати» маъсулият чекланган жамиятига 3 йил муддатга иссиқхона курилиши учун 250 млн. сўм миқдорда кредит берилди ҳамда йилига 80 тонна миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига қўшимча таъминоти яратилди. Ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланувчи корхоналарни молиявий

рида пластик карточкаларга асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 143 мингтадан, терминлар сони 2300 тадан ошди. Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида эса миллий валюта шаклида бир неча омонат турлари, жумладан, 18 ёшга етгунга қадар «Бахтли болалик» жамғарма омонати, «Истикбол», «Кафолат», «Орзу», «Наврўз Айёми» каби турли муддатларга белгиланган омонатлар жорий этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Савдогарбанк» ОАТБ жамоаси алоҳида маъсулият билан фаолият юритаёпти, деярлик қилишга тўлиқ асос бор. Зеро, мазкур муассаса ходимлари тадбиркор ва фермерларга, шу жумладан кенг аҳоли қатламларига намунали хизмат кўрсатиш, молиявий ҳамкор бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

КАДРИЯТ

Устазода

ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ САМАРҚАНД МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДИЧИЛИГИНИНГ АСРЛАР ОША АВЛОДДАН-АВЛОДГА ЎТИБ КЕЛАЁТГАНИНИ УСТА МИРЖАМОЛ АСАДОВ ЯРАТГАН НАҚШУ НИГОРЛАРДАН ХАМ КЎРИШИ МУМКИН. ОДДИЙ ЁҒОЧДАН МУЎЖИЗА ЯРАТИШНИ У ОТАСИ МИРУСМОН АСАДОВДАН ЎРГАНГАН

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

— Ёғоч ўймакорлиги бу — оддий ёғочдан санъат асари яратишдир, — дейди уста соддагина қилиб. — Нақш ишлашда ислими ва ўсувчан гуллар, геометрик ғирхлар каби қатор усуллар асосида бир, икки ва уч қаватли ўймакорлик ишлари бажарилади. Авваллари ота-бобларимиз бир қаватли ўймакорлик турларидан фойдаланган бўлсалар, замонамиз устазодалари икки ва уч қаватли ишларни ҳам қойилмақом бажармоқдалар. Жумладан, Ал-Бухорий мажмуасидаги масжид эшиклари, Шоҳи Зинда ансамблидаги иккита дарвоза, Имом Мотурудий макбарасининг бош дарвозасини ҳам янги усулда яратганмиз.

Устанинг ишлари нафақат Самарқанда, балки Бухородаги Баҳоуддин Нақшбандий мажмуаси, Масжиди Калон, Улугбек мадрасаси, Навоий вилоятидаги Қосим Шайх мажмуаси, Термиздаги Ҳаким ат Термизий



зиёратгоҳи, пойтахтимиздаги Хотира майдонидаги бир неча устунларга ҳам нафосат ва улғурлик бахш этиб турибди. Бундан ташқари, устазоданинг Туркия, Россия, Грузия, Озарбойжон каби хорижий давлатлар учун ишлаган буюмлари ҳам ўзбек миллий халқ хунарманчилиги довуғини ёймоқда.

— Инсон боласи доимо гўзалликка интилиб яшайди. Шу иштиёқ уни бетакрор асарлар яратишга чорлайди.

Мен оилавий устазодаларнинг бешини авлодига мансубман. Сулоламизнинг тўрт асрдан буён юртимиз довуғини оламга ёйиб келаётгани, ўзим ва фарзандларимнинг эса мустақиллик шарофати ила миллий хунарманчилигимиз қайта тиклангани, энг азиз қадимжоларга кўрк бағишлашга ҳисса қўшиб келаётганимиздан, бу аънанани набираларим давом эттира бошлаганларидан Яратганга шукроналар айтаман.

реклама

Ўрта синфни қўллаб-қувватлаш орқали

«ТРАСТБАНК» ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА



1994 йилдан буён мамлакат молия бозорига фаолият юритаётган «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банки ўз миқозларига кенг турдаги банк хизматларини таклиф этаётган универсал молия институтларидан биридир.

Мазкур молия муассасаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларига 56 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 2 баробарга кўп демакдир.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, мазкур молия муассасаси ўзининг 17 йиллик фаолияти давомида банк хизматларини таклиф этишдаги профессионаллик билан кўп минг сонли миқозлар ишончини қозона олди. Айни пайтда банкнинг корпоратив миқозлари сони 5 мингдан ошгани ҳам унинг унинг молия бозоригаги ўрни қанчалар доллат бермоқда. Асосий эътибор айланма маблағларни тўлдириш, инвестиция ва қурилиш лойиҳаларини молиялаш, экспорт ва импорт операциялари ҳамда лизинг хизматларига қаратилаётгани эса банк нуфузини янада оширмоқда. Таъкидлаш жоизки, барча молия муассасалари сингари «Трастбанк» жамоаси ҳам фуқароларнинг банк хизматларига бўлган эътиборини қондириш мақсадида аҳоли гавжум ҳудудларда ўз фаолиятини янада кенгайтиришга эътибор қаратмоқда. Айни пайтда банк таркибига бош офис ва амалиёт бошқармасидан ташқари, 6 та филиал ҳамда 19 та

мини-банк миқозларга самарали хизмат кўрсатаётир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи қўлга айланганига ҳар биримиз ўз ҳаётимиз билан гувоҳ бўлиб турибмиз. Зотан, истиқлол йилларида тадбиркорлик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланиб, турли имтиёз ва энгилликлар берилётгани туфайли улар ички

налар ҳам айнан мазкур молия муассасасида ҳисоб рақамини очган. Биргина мисол, «O'ZELEKTROAPPARAT ELECTROSHIELD» очик акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Россия қўша корхонаси ҳам 2006 йилдан буён банк миқозли саналади. Маълумки, корхона иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари учун электр-техник машиналар, қурилмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бир неча йиллик ҳамкорлик асосида «Трастбанк» ХОАББ тақдим этган банк маҳсулотлари, яъни, кредит қўйилмалари, банк кафолатлари ва лизинг хизматларидан фойдаланиши ҳисобига улкан ютуқларга эришмоқда. Корхона айни пайтда ҳам изланишда. Хусусан, хом-ашё харид қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун банкнинг лизинг хизматларидан самарали фойдаланилмоқда. Мамлакатимиз санаятининг гигант корхоналари ҳисобланган Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат» ДАКлари, Қўнғирот сода заводи сингари йирик корхоналар билан самарали ҳамкорлик алоқалари банкнинг нафақат ички истеъмол бозорига юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш, балки ташқи бозордаги экспорт салоҳиятини ҳам тобора ошириб бормоқда.

Аҳил жамоа томонидан истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳам жадал давом эттирилмоқда. Кредит ажратиш ҳақидаги аризаларни қисқа муддатда кўриб чиқиш, ҳужжатларнинг соддалаштирилган мажмуи, қарз тўлашининг қулай тартиблари банк хизмат манданиятининг ажралмас қисмидир. Энг муҳими, миқозлар ишончини оқлаш, улар бошлаган меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий самара беришида маъсулиятни ҳис этиш «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банки жамоасини янги марралар сари ундамоқда.

ЭЪЛОН

Ҳурматли юртдошлар!
Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «Ишонч телефони»га қўнғирок қилинг. Адлия органларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

№	Адлия органи номи	«Ишонч телефони» рақамлари	Махсус «Ишонч телефони»
1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371) 236-26-99, 233-47-68, 236-65-89, 236-79-24	008
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(361) 233-34-00, 223-71-93	008
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	(371) 262-92-42, 269-14-45, 269-03-98	008
4	Андижон вилояти адлия бошқармаси	(374) 224-45-94, 222-30-80	008
5	Бухоро вилояти адлия бошқармаси	(365) 223-74-16, 223-21-20	008
6	Жиззах вилояти адлия бошқармаси	(372) 771-84-71, 771-84-81, 771-84-82	008
7	Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси	(375) 223-01-64, 223-01-76	008
8	Навоий вилояти адлия бошқармаси	(376) 223-80-47, 223-01-38	008
9	Наманган вилояти адлия бошқармаси	(368) 226-51-93, 226-36-62, 226-78-93	008
10	Самарқанд вилояти адлия бошқармаси	(366) 233-04-62, 233-52-31	008
11	Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси	(378) 223-26-84, 223-44-35, 223-19-15	008
12	Сирдарё вилояти адлия бошқармаси	(367) 225-05-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50	008
13	Тошкент вилояти адлия бошқармаси	(371) 298-50-98, 298-51-06, 253-30-02, 298-50-96	008
14	Фарғона вилояти адлия бошқармаси	(373) 224-15-48, 224-30-81, 224-84-87	008
15	Хоразм вилояти адлия бошқармаси	(362) 226-88-47, 226-65-50, 226-07-75	008

E-mail: info@minjust.gov.uz

ЖАРАЁН

web sayt: www.2tasr.uz

Ўрناق олса арзийди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Катта билим ва тажрибага эга бўлган сафдошимиз корхонани техник ва технологик янгилаш, модернизациялаш орқали ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётган мутахассислардан бири.

Партиядошлари уни етакчи этиб сайлаганидан сўнг, ишни сиёсий билимларини оширишдан бошлади. Чунки партиянинг дастурий гоё ва мақсадларини чуқур англаб етмаган одам бошқаларни ўз ортидан эргаштира олмайди.

Бугунги кунда гигант корхонанинг 800 нафардан зиёд ишчи-хизматчиси O'zLiDeP аъзоси саналади. Аҳамиятисиз, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш илғорлари ҳамдир. Отабек Курбонов, Дамира Аканова, Хайрулла Ўзбеков, Фахриддин Худойкуловлар эса жамоа фахри ҳисобланади.


Бу ерда иқтидорли ёшларнинг билим ва малакаларини оширишга кўмаклашиш, улар томонидан яратилган рационализаторлик таклифлари ва иxtiроларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовор. Натижада ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялашга ҳам либерал-демократлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида Турғун Холматов раҳбарлигида ўнлаб янги технологиялар яратилди. O'zLiDePчилар ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, йигит ва қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тadbирлар ташкил этишга ҳам бош-қош бўлишарди. Ҳозир туманидаги мактаблар, болалар оромгоҳлари, коллеж ва ли-

цейларда «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» муносабати билан ўтказилган юзма-юз мулоқотлар, давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Корхона ҳомийлигида Ҳузурда «Мустақиллик», Қарши шаҳрида «Наврўз» хибонларининг барпо қилинишида ҳам партия аъзолари ташаббускор бўдилар.

Кўп йиллардан буён корхонада «устоз-шогирд» аънаъни шакллантирилгани мутахассислар малакасини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муҳим омил бўлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ишга ҳам бошланғич ташкилот фаоллари масъулдир. Хорижий компанияларда тажриба алмашиб қайтган устозлар ёшларнинг билим ва маҳоратини муттаасили оширишга интиляшарди.

— Ҳузур ва Деҳқонobod туманлари кишлокларидан партия кенгашлари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тadbиркорликка жалб этиш бўйича режали тadbирлар ўтказаямиз, — дейди БПТ фаоли Дамира Аканова. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги Фармони бу ишимизда жуда кўл келаяпти. Биргаликдаги ҳаракатларимиз натижасида икки юз нафардан ортик касаначи корхонамиз ходимлари учун коржом ва бошқа кийим-кечаклар, кўлқоплар тикиб беришарди. Банклар томонидан тadbиркор аёлларга имтиёзли микрокредитлар ажратилишига кўмаклашиш, ўз бизнесини бошлаётган хотин-қизларни ишлаб чиқариш воситалари ва материаллар билан таъминлашга ҳаракат қилаяпти.

Корхона раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутати гурӯҳи аъзоси Илхом Норчаевнинг саволчилар билан учрашувларида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини та-



риб этиш ҳам диққатга молик. Бу, биринчидан, Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалда оширишга аҳоли кенг қатламларини даъват этиш бўлса, иккинчидан, мазкур жараёнда фаол иштирок этиш O'zLiDeP аъзоларига катта масъулият юклаганидан далolat.

— Мақсадимиз ҳар бир аъзони партиявий топшириқ билан қамраб олишга эришишдир, — дейди БПТ етакчиси. — Аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, жойларда турли тadbирлар ташкил этишга фаолларимизни кенг жалб қилаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Саккиз юздан зиёд партия аъзосининг бошини қовуштириш осон эмас, албатта. Аммо ҳаракат қилса ҳамма нарсанинг удрасидан чиқса бўлади. Бизнесинг, ташкилотда бундай имкониятлар бор. Алоҳида жиҳозланган хонада сиёсий

адабиётлар, газета-журналлар тахталари, партия ҳаётига оид маълумотлар етарлича. «БПТ минбари»да партия аъзолари истаган масалада ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин баён этадилар. Билдирилган танқидий мулоҳазалар эса йигилишларда муҳокама этилади.

— Партияимизнинг бош мақсади — демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришда фаол иштирок этишдир, — дейди Турғун Холматов. — Бунинг учун эса партиядошларимизнинг сиёсий фаолигини ошириш, одамлар онгига демократик қадриятларни синдиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Партиядошларимиз босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари самарасини аҳоли кенг қатламларига етказиш учун ўзларини масъул, деб билсалар энг катта ютуққа эришган бўлаемиз.

Тўртинчи Ҳокимиятнинг ортда қолишга ҳаққи йўқ

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ БЕКИЁС, АЛБАТТА. ЖУМЛАДАН, БУГУН МАМЛАКАТ МЕДИА МАКОНИДА ФАОЛ ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КАТОРИДА 25 ТА НОДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ ХАМДА 60 ТА КАБЕЛЬ ТЕЛЕВИДИЕЛАРИ ИЧКИ МЕДИА-БОЗОРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ИНСТИТУТЛАРИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ

Абулфайз
САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

«Телерадиодастурларни ташкил этиш ва тарқатиш соҳасидаги рақобатнинг ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари: телекўрсатувлар ва радиозинтиришлар соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари» мавзусида ташкил этилган халқаро давра суҳбатидан ҳам электрон ОАВларнинг фаолиятини такомиллаштириш, жаҳон медиа-мақомида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Электрон Оммавий Ахборот Воситалари Миллий ассоциацияси (ЎЗОАВМА) томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда таъкидланишича, нодавлат телерадиоканалларнинг изчил ривожланиши Ўзбекистонда ОАВ эркинлигини таъминлаш борасидаги сўй-ҳаракатларнинг ижобий натижаларидандир.

— Бугунги анжуман орқали Ўзбекистон электрон ОАВ профессионаллик ва техника жиҳозлари даражаси бўйича кўпчилик ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олганига гувоҳ бўлдик, — дейди «Ўзбекистон — Италия» Ассоциацияси президенти Рокко

Абрам. — Айниқса, «Форум ТВ» сунъий йўлдош телеканалда янги фикрловчи ва дунёга янги нигоҳ билан қаровчи ёшлар ижодий жамоаси шаклланаётгани юртингизда ОАВ истиқболлари янада порлоқ эканидан дарак бериб турибди.

— ЎЗОАВМА мамлакатимиз электрон ОАВларида ижод қилаётган телерадиожурналистларнинг билими ва тажрибасини оширишга ҳам хизмат қилмоқда, — дейди ассоциация раиси Фирдавс Абдухолиқов. — Ташкилот қошида очилган Тренинг марказида телерадиостанциялар менежерлари ва ижодий гуруҳлари учун мунтазам равишда семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Ўқув машғулотида маҳаллий ва хорижий журналистлар, режиссёр ва тасвирчилар ўшларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар. Мазкур тренингларни молиялаштириш учун халқаро ташкилотлар кўмагидан ҳам фойдаланаямиз. Масалан, яқинда ЕХХТ шу мақсадлар учун ташкилотимизга 100 миң евро миқдоридан маблағ ажратди.

Халқаро давра суҳбатидан телекўрсатувлар ва радиозинтиришлар соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Қатнашчилар тadbир доирасида «Uzbekistan Today» газетаси тахририятида бўлиб, журналистлар ҳамда халқаро экспертлар иштирокидан ОАВга оид янги қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конституция ва ёшлар

БОШ КОМУСИМИЗНИ ЎРГАНИШ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР ОНГИГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ 2001 ЙИЛ 4 ЯНВАРДА КАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИ БУНДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЭТИР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кун муносабати билан Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан барча таълим масканларида туркум ҳуқуқий-маърифий тadbирлар ташкил этилаётди.

Бекобод ва Ангрен шаҳарларидаги умумтаълим мактабларида «Инсон, унинг кадр-қиммати муқаддас» мавзусида бўлиб ўтган ана шундай тadbирларда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган барча ишларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани, шу боис юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада бойитиш муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Конституцияимизнинг маъно-мазмунини ўрганиш, унинг қоидаларига қатъий риоя қилиб яшаш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи.

— Конституцияимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида таълим-тарбия муассасаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азим Азаматов. — Бу ёшларга Конституцияимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини, мазмун-моҳиятини теран англашда ёрдам бераётди. Мактабга таълим масканларида «Конституция сабоқлари», умумий ўрта таълим мактабларининг 1- ва 4-синфларида «Конституция алифбоси», 5- ва 7-синфларда «Конституция оламига сазхат», 8-синфда «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқий асослари», 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари» каби фанлар ўқитилмоқда. Айни пайтда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Маънавий юксалиш йўлида» каби қатор асарлари, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сенинг ҳуқуқларинг ва бурчларинг» каби ҳуқуқий эслатмалар, «Менинг ҳуқуқларим», «Воёга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари» каби қўлланмалар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда турли кўрик-танловлар, викториналар, интеллектуал беллашувлар, соҳа мутахассислари иштирокидаги давра суҳбатлари яхши самара бермоқда.

(ЎЗА).

Аёл ишли бўлса...

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА 2011 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА АЁЛЛАР УЧУН 14 МИНГ 631 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-tadbирлар тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган Жиззах вилояти худудий дастурига мувофиқ, 2011 йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун 14 миң 631 янги иш ўрни яратилди.

Дастур доирасида Жиззах туманида ишга туширилган «Тоқчилик чеварлари» хусусий корхонасида юз нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисмини вилоятдаги энгил санаот касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Корхона йилига икки миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. У тўла қувват билан ишлаб бошлаган, ишчилар сони икки юз нафарга етади.

Бу йил вилоятда янги ишлаб чиқариш объекти янги ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ҳисобига 449 кичик корхона ва микрофирма ташкил этилди. Натижада 3 миң 881 янги иш ўрни ташкил этилди. Касаначилик асосида 1 миң 325, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлан-



тириш орқали 1 миң 447, ижтимоий ва бозор инфратизимини такомиллаштириш самарасида 1 миң 159 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Хотин-қизларга мос иш ўринлари яратишда тadbиркор аёллар алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Масалан, шу йил бошида Холисхон Бобоева ишга туширган ипакни қайта ишлаш корхонасида юз нафардан зиёд киз-жувон меҳнат қилмоқда. Мирзачўлик Иқбол Ахророванин «Иқболхон-Маржона», зарбдорлик Саломат Шайдуллинанин «Анвар-Махлиё», бахаллик Гулжаҳон Пардаеванин «Асомиддин ота» каби фирма ва корхоналарида хотин-қизлар учун юзлаб иш ўринлари ташкил этилди.



— Туманимизда янги иш жойлари очиб учун катта имконият мавжуд, — дейди Фориш туманидаги «Фортех» хусусий фирмаси раҳбари Бозоргул Тўраева. — Биз жунни қайта ишлашни йўлга қўйиб, йигирма нафар хотин-қизни ишга олдик. Юртбошимизнинг тadbиркорларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги туфайли фаолиятимизни яна кенгайтираётимиз.

Йил бошидан буён Бахмал туманида 11 тикувчилик цехи, 7 иссиқхона, 7 қандолатчилик цехи, жами юздан ортиқ кичик корхона ташкил қилинди. Уларнинг 23 таси тadbиркор аёллар томонидан барпо этилди. Йил бошидан буён туман кишлокларида 700 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъмин-

ланди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Микрокредит-банк», «Тadbиркор аёл» уюшмасининг виллоят бўлими ҳамкорлигида кишлокларда турли тadbирлар ташкил этилаётди. Хусусан, кичик бизнес ва хизматлар соҳасини, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида «Тadbиркорлик фаолиятини юритиш асослари», «Ўз бизнесининг бошла» мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилиб, банк кредитлари олишда амалий ёрдам кўрсатилаётди.

Жорий йилда тижорат банклари барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 миң 30 нафар тadbиркор аёлга 6 миллиард

537 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратди.

Йилнинг ўтган даврида виллоят бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилган 4 миң 736 нафар хотин-қизнинг 3 миң 810 нафари ишга жойлаштирилди. 545 нафари касбга тайёрлаш ўқув марказлари ва курсларида жалб этилди, 360 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ўтказилди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашда меҳнат ярмаркаларининг алоҳида ўрни бор. Йилнинг ўтган даврида ташкил этилган ўттиздан ортиқ меҳнат ярмаркасида 2 миң 402 нафар хотин-қиз иштирок этди ва уларнинг 1 миң 108 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларда фаолигини оширишда уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитасининг котибати мудири Нодира Алимова. — Ишли аёлнинг турмуши фаровон, оиласи тинч бўлиши билан бирга дунёқарашни кенгайтириш, оила, жамият олдидаги бурчларини, масъулиятини чуқурроқ англаб етати. Масаланинг шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда виллоят хотин-қизлар кўмитаси қасаба уюшмалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда аёлларни иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Европа остонасидаги янги инқироз

САЛКАМ БИР ОЙДАН БЕРИ УОЛЛ СТРИТДАН ТОРТИБ, МАДРИД, РИМ, ЛОНДОН, ФРАНКФУРТ, ЛИССАБОН, ПАРИЖДАГИ НОРОЗИЛИК ХАРАКАТЛАРИ НАФАКАТ ГРЕЦИЯ, БАЛКИ ЕВРОПАНИНГ БОШҚА ДАВЛАТЛАРИ ВА ХАТТО АҚШНИНГ ХАМ ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК ХОЛАТИНИ БОШДАН КЕЧИРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР



Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Бироқ мутахассислар ҳозирги кунда бўҳрондан энг кўп азият чекаётган давлат Греция бўлиб қолаётганини таъкидламоқдалар. Мамлакат ўз тарихида бундай тангликни бошдан кечирмаган эди. Афинанинг банкротликка учраши бутун қитъани ҳам муқаррар ҳалокатга бошлаши мумкинлиги боис Европа Иттифоқи давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ҳар галги учрашувда асосий эътибор фақат Греция масаласига қаратилмаётди. Катта йигирмаликнинг Францияда ўтган саммитида ҳам айнан Грецияга асосий ургу берилгани беҳиз эмас. Афсуски, ўтказилаётган аксарият саммитлар инқирозга барҳам бериш хусусидаги қуруқ ваъдалар билан чеклиниб қолмоқда, ҳолос. Еврохудудга кирувчи давлатларнинг умумий қарзи 9 811 893 000 000 еврога тенг бўлиб турган бир пайтада юнонлар муаммосини ҳал қилиш билан иш битмаслиги тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида сурункали хасталик домидан чиқа олмайётган Греция сиёсатчилари ўнг ва сўлларга мансублигини ҳам унутиб, мамлакатни кутқариш устида бош қотира бошладилар. Греция бош вазири Георгиос Папандреу, муҳолифат етакчиси Антонис Самарас ҳамда президент Каролос Папулиас ўртасида бўлиб ўтган фавқулодда учрашув давомида янги коалицион ҳукумат тузишга келишилгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Унда айтилганидек, мамлакатнинг амалдаги бош вазири Георгиос Папандреу янги коалицион ҳукуматга раҳбарлик қилмайд.

Аммо ҳокимиятга ким бошчилик қилишидан қатъий назар, у Европа раҳбарларининг Грецияга 130 миллиард евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатиш эвазига бюджет харажатларини қисқартириши ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш талабини қатъий бажариши лозим. Ўз навбатида ЕИ қадимий Эллададаги оғир молиявий-иқтисодий вазиятга қарамай, мамлакатни ташкилот сафидан чиқармаслик мажбуриятини олади.

Шу ўринда Греция узок вақт Фарбий Европадаги энг қолоқ ва қашшоқ мамлакат бўлиб келганини таъкидлаш жоиз. Илғор мамлакатлар

қаторига қўшилган, Греция иқтисодиёти изга тушиши мумкин, деган қарашлар билан 1981 йили ЕИга қабул қилинган эди. Албатта, ушбу ишонч юнонларга муваффақият келтирди. Греция қисқа муддатда иқтисодиётни модернизациялаш ва фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилашга эришди. Яқин 30 йил давомида эса ялли ички маҳсулот 8 баробар ўсди. Аммо танганинг иқтисодий томони ҳам бор, деганларидек, мутахассислар ялли ички маҳсулотда давлат улуши 30 фоизни ташкил этадиган бу мамлакатда четдан қарз олиш сиёсати иқтисодий ўсиш воситасига айланганини очик-ойдин эътироф эта бошладилар. Азалдан бюджетни тақчил бўлиб келган Греция ҳам ЕИнинг аксарият мамлакатлари сингари асосан қарз ҳисобига кун кўриб келган бўлса-да, аммо тақчиллик миқдори буйича у қитъанинг ҳар қандай давлатини катта фарқ билан қувиб ўтди. Маълумки, ЕИ ўз аъзоларида бюджетнинг даромад ва харажатлари орасидаги тафовутни ЯИМнинг 3 фоизидан оширмасликни талаб

этади. Аммо греклар бу қоидага ҳар доим ҳам риоя қилавермадилар. Тўғри, кейинги 20 йилда фақат бир марта, яъни 2006 йили ана шу меъёрга амал қилинди. Қолган йилларда эса тафовут кутилганидан ҳам катта бўлди: 2004 йили 7, 2009 йили 13 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда Афина учун яна бир қийинчилик — бу бюджет ва савдо сальдосидаги салбий ҳолат саналмиш «кўш тақчиллик» эканини ҳам унутмаслик лозим. Аксарият кузатувчилар мамлакат савдо балансининг анчадан бери минусда турганига эътибор қаратмоқдалар. Биргина 2008 йилда у 51 миллиард АҚШ долларига ёки ЯИМнинг 14 фоизига тенг даражада пасайди. Рақамлар тили билан айтганда, Грециянинг ташқи қарзи 550 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу қарзнинг камида 300 миллиарди давлат секторига тўғри келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга Грециянинг бошқа сурункали қарздорлар, масалан, Япониядан умуман фарқлиганини ёддан чи-

қармаслик керак. Гарчи кунчиқар мамлакатнинг давлат қарзлари иккита ЯИМга яқинлашиб қолган бўлса-да, у ташқи кредит бозорларидан деярли мустақил, яъни мамлакатнинг ташқи қарздорлик юки унчалар катта эмас. Греция эса, аксинча, ташқи омилларга бўйсуннишга мажбур мамлакатдир.

ЕИдаги пул эмиссияси умумий Марказий банк томонидан назорат қилиниши назарда турса, Греция эмиссия ва инфляцияни кўпайтириш каби алдов йўллари билан вазиятдан чиқиб кета олмаслигига амин бўлаемиз. Демак, Греция учун ягона йўл қолган. Яъни, ўта консерватив молиявий сиёсат олиб бориш ва давлат харажатларини қисқартиришдир. Ўзингизда бўлса, ЕИ ва ХВЖ 2009 йили Болтиқбўйи давлатлари ташқи қарзи 550 миллиард доллардан ошиб кетди. Бироқ мазкур қадам Греция учун ҳалокатли тугаши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки бир йилдан бери айрим йирик шаҳарларни, шу жумладан, пойтахтни чинакам ҳарбий харажатлар майдонига айлантирган анархи-

стлар тўполони вазиятни баттар чигаллаштириши мумкин.

Экспертлар доирасида давлат дефолти эҳтимоли тўғрисидаги гап-сўзларнинг кўпайиши эса вазият тобора боши берк кўчага кириб қолаётганидан далолат беради. Иқтисодчиларнинг фикрича, ЕИнинг ҳозирги ҳудудида 1948 йилдан буён илк бор дефолт юз бериши эҳтимоли яқинлашиб келаёпти.

Тахлилчилар тезкор чоралар кўрилмаса, Греция сафига бошқа мамлакатлар ҳам ўрин кўшилиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Чунки айни пайтда Ирландия беқарор молиявий аҳволга тушиб қолган бўлса, Испаниянинг қарзи жадаллик билан ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ЕИ раҳбарияти Греция молиявий инқирозини бартараф этишга жон-жаҳди билан киришмоқда. Акс ҳолда, аста-секинлик билан бўлса-да, ягона валютага бўлган ишончга пугур етади. Ахир, ҳам-жамиятга аъзо давлатлар фақат одамлар, товарлар ва хизматларнинг эркин айланишидангина манфаатдор эмаслар. Улар валюта иттифоқига ҳам кириш истагидалар. Албатта, евромакконга кирган давлатлар нафақат ишончли валютага, балки капитал бозорига ҳам анча осон кириб бориш ва паст физикли кредитлар олиш имконига эга бўладилар. Экспортчи тадбиркорлар учун савдо бозорининг кенгайиши ва маҳсулотларининг туриб қолмаслиги нуқтаи назардан ЕИнинг етакчи давлатлари Франция ва Германия ҳам еврохудуднинг кенгайишидан манфаатдордир. Охир-оқибатда бу омил Европа Иттифонининг ҳар икки қисми — «янги» ва «эски» аъзолари иқтисодиётининг бирдек ўсишига хизмат қилади, албатта. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Хусусан, ЕИ ўз худудини кенгайтиришда, яъни аъзолари сонини Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кўпайтиришга киришган пайтда бу минтақа мамлакатларининг иқтисодий кўрсаткичлари эски аъзоларникига нисбатан пастроқ экани даъво қилинган эди. Шу боис кейинчалик нохуш

вазият юзага келган тақдирда ҳам эскиларни четлаб ўтиш мумкинлиги таъкидланган эди. Афсуски, мавжуд аҳвол айрим «қариялар»нинг дарди янгиларидан кўра оғирроқ ҳолатда эканини намоён қилиб қўйди.

Сўнгги икки ой ичида Греция, Италия, Португалия ва Испаниядаги мураккаб вазият юзасидан билдирилган хавотирлар оқибатида евро курси 10-15 фоиз арзонлаб кетди. Тахлилчиларнинг фикрича, евронинг долларга нисбатан бундай арзонлашуви ниҳоясига етгани йўқ ва бу жараённинг ҳали давом этиши кутилмоқда. ЕИ расмийларининг амалда эмас, асосан сўзда Грецияга ёрдам кўрсатаётганлари бозордаги вазиятнинг ўзгаришсиз қолдирмоқда, дейиш мумкин. Бироқ бозор аниқ қадамлар ва ажратиладиган маблағлар ёки очик лимитларга асосланишини унутмаслик керак. Бу билан ҳамжамият мамлакатлари Полсон қоидасини қўллашга уринаётдилар, яъни кучли баёнотлар тарқатиш билан бозорларнинг тинчлишига умид қилмоқдалар. Аммо куруқ сўз интвененцияси ҳаммаша ҳам самара беравермайди. Шу нуқтаи назардан Греция, Испания ёки Португалия ўзларини банкрот деб эълон қилмаган тақдирда ҳам уларнинг қимматли қоғозлари арзонлашиб бомираведа. Бу эса банк капиталларининг қисқариши, сармоядорларнинг қалтиш қоидалар асосида фаолият юритаётган бозорлардан узоклашишига ва евронинг заифлашувига олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, бу галги «глобал яра»га бежиз бунчалар жиддий эътибор қаратилмаяпти. Агар 1995 йили Мексикада, 1998 йили Жануби-Шарқий Осиёда кузатилган тангликдан ривожланган давлатлар у қадар кўп зиён кўрмаган бўлсалар, бу сафар аксинча, инқироз бакуват давлатларда бошланди, Ер юзининг бошқа худудларига ёйилди. Акциялар бозорининг бўҳронга юз тутиши, уй-жой бозорининг касодга учрагани, савдо-сотикнинг сусайиши ва иқтисодий тараққиётнинг пасайишидан деярли ҳеч ким омон қолмади. Бироқ қашшоқ дав-

латларга етган жароҳат анчайин жиддий ва чуқурлиги билан ажралиб турибди. Инқироз натижасида уларга ривожланаётган давлатлар томонидан берилмаётган маблағнинг кескин камайиши ва маҳсулот сотишдан келадиган даромадларнинг пасайиши вазиятни баттар чигаллаштирди, дейиш мумкин. Бундан, айниқса, инқирозга бардош беришга қодир бўлмаган миллионлаб инсонлар жабр кўрмоқдалар.

Шу ўринда унча йирик бўлмаган минтақа — Болтиқбўйи давлатлари саналмиш Латвия, Литва ва Эстония иқтисодиёти тангликдан ҳаммадан кўра кўпроқ зарар кўрганини айтиш мумкин. Яқиндагина иқтисодий кўрсаткичлари билан собиқ социалистик лагердаги мамлакатларни лол қолдирган ушбу давлатлар бугунги чўкиш билан ўз ҳамкорларини ташвишга солмоқдалар. Шу муносабат билан Фарб матбуоти «Болтиқ йўлбарси» жарлик томон қулашда давом этмоқда, дея беҳиз бонг урмаган кўринида. Агар Латвиядаги ички иқтисодий таназзулга эътибор қаратса, ишсизлик бир йил ичида 16 фоизга етгани аён бўлади.

Шу ўринда президент Обаманинг кутқарув режалари ҳали яқиний натижа бермаганини ҳам таъкидлаш лозим. Президентнинг мамлакат давлат қарзлари чўққисини ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекиши ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, АҚШнинг ҳар бир фуқароси хоржий кредиторлардан тахминан 46 минг доллардан қарздор. Шунга қарамай, Вашингтон маъмурияти 2011 йили ЯИМнинг 2-3 фоиз, келаси йили эса 3,8 фоиз ўсишини тахмин қилаёпти.

Тўғри, ҳозирча ўсиш бўлмаса-да, лекин АҚШда пастга кетиш жараёни тўхтатилди. Мутахассислар тили билан айтганда, дунё мамлакатларида инқироз юмшаган бўлсада, у келтириб чиқарган муаммолар барҳам топмади. Энг ёмони, олдин ҳам тақроллагани миздек, молиявий бўҳрон сабабли дунё миқдосида 30 миллион киши иш жойидан ажралиб қолди.

воқеалар, далиллар, шарҳлар ▼

ФРАНЦИЯ ҚАТЪИЙ БЮДЖЕТГА ЭГА БЎЛМОҚЧИ

Францияда пенсия харажатларини қисқартириш давлат харажатларини камайтиришнинг муҳим йўлларида бири экани таъкидланмоқда. Расмий Париж аҳоли норозилигига қарамай пенсияга доир ислохотларни амалга оширишни тезлаштириш ниятида эканини яширмаёпти.

— Ижтимоий харажатларни камайтириш танқисликдан чиқишнинг энг мақбул йўлларида биридир. Агар шунга эришилса, Франция 2012 йилга бориб, 1945 йилдан бери энг қатъий бюджетга эга бўлади, — деди мамлакат бош вазири Франсуа Фийон.

Умуман олганда расмий Париж ҳар қандай йўл билан бўлсада мамлакат кредит имкониятини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.



ГЕНЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛДИ



Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра истеъфодаги генерал Отто Перес Молина Гватемаладаги президентлик сайловларида галаба қозонди. Яқиний ҳисоб-китобларга кўра, Молина 55,2 фоиз овоз тўплаган. Ўз галабасини расман эълон қилиб, овоз берганларга миннатдорлик билдиришга ҳам улгурган Гватемаланинг 61 ёшли янги президенти Ватанпарвар партияси етакчиси ҳамдир.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

ЭЪЛОН ▼

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ
ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Кафолат» ДАСК очик акциядорлик жамияти Андижон вилоят филиалининг буйруғига ҳамда «Кафолат» ДАСК ОАЖ Андижон вилоят филиали директорининг 2011 йил 29 октябрдаги 500-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти Андижон шаҳри, Анисий кўчаси 4-уйда жойлашган «Кафолат» ДАСК ОАЖ Андижон вилоят филиалига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли давлат белгиси 17 АС 053 бўлган автотранспорт воситаси 5 245 000 (Беш миллион икки юз қирқ беш минг) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2011 йил 12 декабрь куни соат 11.00да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 13, 14, 15 декабрь кунлари соат 11.00да Андижон шаҳар, А.Навой шох кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 2020800904456131001 ҳисоб рақамига МФО:00074, ИНН:205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кун давомида олиш ва байрам кунларидан ташқари ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00га қадар Андижон шаҳар, А.Навой кўчаси 30-уй 215-хонада қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низомини ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Қўшимча маълумот учун манзилимиз:
Андижон шаҳри, А.Навой шох кўчаси 30-уй, 215-хона
Тел: 8(374) 606-88-81, 269-88-81, 700-88-81
Гувоҳнома №00126

СЎНГГИ САҲИФА

web sayti: www.21asr.uz

Абдулла Тангриев:

«Менга Юртбошимиз ишончи куч берди»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЧЕМПИОНЛАР ФОРУМИ» СПОРТ МАЖМУАСИДА ТЮМЕНЬ ШАХРИДА ДЭЮДОНИНГ МУТЛАК ВАЗН ТОИФАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИДА БОШ СОВРИНИ КЎЛГА КИРИТГАН АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ ИШТИРОКИДА БЛИЦ-БРИФИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Мураббийлар, ёш спортчилар ҳамда журналистлар иштирок этган анжуманда Абдулла полвон бу ғалабада мамлакатимизда спортчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлигини, чемпионлар халқимизнинг сеvimли фарзандларига айлиб бораётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилганини таъкидлади.

— 2008 йилги Олимпиадада кумуш медал билан тақдирланганимдан сўнг Президентимиз Ислам Каримов билан суҳбатлашиш имконига эга бўлганим, — деди

спортчи. — Ҳанда Пекин мусобақасида кўлга киритилган ана шу «кумушим»нинг қийматини олтин медалниқидан ҳам юқори боҳолган давлатимиз раҳбари «у албатта «олтин»га айланиши лозим», деган эдилар. Қолаверса, хабарингиз бор, жаҳон чемпионатидан бир ҳафта илгари Сурхон воҳасида кураш бўйича буюк аждодимиз — Ал Ҳаким Ат Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ташкил этилди. Мутлақ вазн тоифасидаги энг кучли полвонлар ўртасида ўтказилган мазкур бел-


лашувларда менга биринчи бўлиш насиб этди. Айнан Юртбошимизнинг ҳаётини шорга айланган даъвати, киндик қоним тўкилган масканда кўлга киритилган ютуқ кўнглимда ғалабага бўлган иштиёқни янада ошириб юборди.

Эслатиб ўтамиз; 2005 йилда кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бош совринни кўлга киритган А.Тангриев дэюдо бўйича шу кунгача 5 марта Осиё чемпиони, шунингдек, 3 марта жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби бўлган.

«ФУКУСИМА-1» «ASIMO»НИ ИШГА ОЛМОҚЧИ

Япониянинг «Honda» компанияси инсон саломатлиги учун ҳаддан ташқари хавфли ҳолатларда фойдаланишга мўлжалланган «Asimo» номли одамсимон роботнинг янги модели ишлаб чиқилганини маълум қилди. Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинишича, ташқи кўриниши скафандр кийган фазогирга ўхшаш янги роботнинг бўйи 130 см. бўлиб, вази аввалги «авлод»идан 6 кг. енгилроқ, яъни 48 кг. Аҳамиятли томони шундаки, соатига 9 км («ака»сидан 3 км/соат тезроқ) йўл боса оладиган «Asimo» ўнг ва чапга бурилишдан ташқари, орқага юриш, шунингдек, инсон овозини фарқлаш ҳамда «кўллар» вазифасини бажарувчи манипуляторлар ёрдамида одамлар билан имо-ишоралар воситасида гаплашиш имкониятига эга.

Тақдимот маросимида «Asimo»нинг «Фукусима-1»га ўхшаш хавфли объектларда ишлаб олишга мослаб яратилгани таъкидланди. «Honda» вакили ўз навбатида АЭС оператори — ТЭПКО компанияси «Asimo» билан қизиқаётганини, бироқ, янги роботдан авария оқибатларини бартараф этишда фойдаланишдан аввал уни жиудий синовдан ўтказмоқчи эканини билдирган.



Имтиҳон арафасидамиз

ЭРТАГА — 11 НОЯБРЬ КУНИ ВАДИМ АБРАМОВ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ БОСКИЧИНИНГ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗАДИ

Шухрат ХҲЖАЕВ, «XXI ASR»



Умуман олганда, ноябрь ойи барча терма жамоаларимиз учун муҳим синов даврига айланди, десак хато қилмаган бўлаемиз. Зеро, Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги ёшларимиз Осиё чемпионатининг квалификация о bosқичида муваффақиятли иштирок этиб, «Осиё-2012» чиптасини кўлга киритган бўлсалар, катталар ва олимпиячиларимиз ноябрнинг иккинчи ва учинчи ўнқунлигида «Бразилия-2014» ва «Лондон-2012» мусобақаларининг саралаш баҳслари доирасида ўтказилган тўртта расмий учрашувда фақат ғалаба учун майдонга тушдилар.

Кувонарлиси, Эронда ташкил этилган «Ўтиш» турнирида Покистон (3:0), Ҳиндистон (2:1) ва туркменистонлик (2:1) тенгдошларини енгган, фақатгина мезбонлар билан бўлиб ўтган ўйинда мағлуб бўлган ёш футболчиларимиз дастлабки «имтиҳон»дан муваффақиятли ўтдилар. Энди умидли вакилларимиз ўз олдидарига келаси йил ўтказилган кўнглик чемпионатида камиди яримфиналгача етиб бориш вазифасини қўймоқдалар. Бинобарин, мусобақанинг 1-4-ўринларини эгаллаган жамоалар ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Пеле ватанида бўлиб ўтадиган мундиаль йўлланмалари учун кураш олиб бораётган миллий терма жамоамиз эртага саралаш ўйинларининг 3-босқичи доирасида Шимолий кореяликлар билан куч синашса, 15 ноябрь кун тожикистонликларга қарши тўп суради. Шу ўринда, мазкур учрашувларни ўз майдонида —

«Пахтакор» стадионида ўтказадиган Одил Аҳмедов ва унинг жамоадoshiлари айнан ана шу рақиблар билан ўтказилган сафар учрашувларини (2 сентябрь кун Турсунзодада, 11 октябрь кун эса Пхеньянда бўлиб ўтган учрашувларда бир хил — 1:0 ҳисоби қайд этилганди) ўз фойдаларига яқунлаб, кейинги босқичга чиқиш имкониятини яхшилаб олганларини таъкидлаш жоиз.

Эслатиб ўтамиз: «ЖЧ-2014» йўлланмалари сўнги — 4 босқичда гуруҳнинг юқори ўринларини банд этган омадли термаларга берилади. XXX ёзги Олимпия ўйинларининг саралаш баҳсларини ғалаба билан бошлаган ҳамюртларимиз (21 сентябрь кун Тошкентдаги «Жар» стадионида ироқликлар билан куч синашган термаимиз 2:0 ҳисобида зафар қучган эди) 23 ноябрь кун сафарда БАА футболчилари билан ўзаро

баҳшлашади. Ундан сўн вакилларимиз Амирликлардан тўғри «Яшил қўт»га йўл оладилар. Сабаби ноябрнинг 27-санасида олимпиячиларимиз Австралия терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Умид қиламизки, Вади́м Абрамовнинг «катта» ва «кичик» шогирдларидан иборат термалар навбатдаги ўйинларда ҳам кутилган натижаларга эришиб, ўзбек футбол илосмандларининг терма жамоаларимизни жаҳон ва Олимпия ўйинларида кўришдек кўп йиллик орауларини рўёбга чиқарадилар. Дарвоқе, яқинда ОФК кубогини кўлга киритган «Насаф» ўзбек клублари орасида кўнглик мусобақаларида энг олий натижага эришган дастлабки жамоа сифатида мухлисларга олам-олам қувонч бахш этиб, бу борада терма жамоаларимизга ибрат бўлганини ёддан чиқармаслик керак.

МИЯНГИЗНИ СУВ ҚОПЛАГАН. ИШОНМАЙСИЗМИ?

Инсон танасининг 60 фоизи сувдан иборат бўлса-да, бу суюқлик киши организмиде бир маромда тақсимланмаган. Жумладан, ёғ тўқималаридаги сув ҳажми 20 фоизга тенг бўлса, суюқлик умумий оғирлигининг 20 фоизини, жигарнинг 70, мушакларнинг 75, қоннинг эса 85 фоизини сув ташкил этади. Наҳотки киши қонида мияга нисбатан кам сув бўлса? Бир қарашда ақл бовар қилмайдиган ҳолат. Аммо олимларнинг фикрича, ҳамма гап сувнинг қандай «қадоқланиши»да экан. Масалан, медуза танасининг 98-99 фоизи сувдан иборат бўлса-да, бу денгиз жониворини бемалол кўл билан ушлаб кўриш мумкин.

Инсон танасини «банд» этган қолган моддаларнинг улуши 40 фоиз бўлиб, у қуйидагича тақсимланади: оксиллар — 19 фоиз, ёғлар ва ёғсимон моддалар 15, минераллар 5 ва углеводлар 1 фоиз.

реклама

SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI» УШК Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

Навоий вилояти «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР» шўъба корхонаси ишга тушди.

Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва томчилаб сугоришда фойдаланиладиган шланклар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йилларга халос этади.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР 50 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРГА МУВОФИҚ СЕРТИФИКАТ ВА ТИГНИК СЕРТИФИКАТЛАР БЕРИЛГАН. Бутурма ва тақлифлар кўнглик телефон орқали қабул қилинади: (+99893) 950-55-11, 950-02-32. Шунингдек, бутурмавларини pe_plast@mail.ru электрон манзилга юборилишига мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Қурмана тумани, Маликработ кўрғони. Тел./факс: (8-438) 220-00-36. Мажмуат сертифицицияси

Називин NYCOMED

ОКСИМЕТАЗОЛИН

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданоқ кўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Кўллаш учун қўрсатмалар

- Тумов билан бирга кенчадиган ўткир респиратор касалликларини даволаш
- Аллергик ринит
- Вазомотор ринит
- Бурун бузилишини турли касаллик алоқулиқинида дренажни тизлаш учун, вазитакит, ўрта остида
- Бурун бузилишида диагностика ўтказишдан аввал ишчан бартараф этиш учун.

Рухдодат оғирлашган ҳаётда гуворнома 01-0-242 740032, 6-290-05 нон-нон шефкор респиратор берилди. Тўлов сертифицицияси. Рўйсизим билан тоқимани. Кўнглик нурун бўлидан қўлларини эвад. Целларатин қабул қилишдан аввал шефкор: Белан мажмуатлошани.

Мерк КГА Германия для Никомед

Називин қадоғининг янги дизайни